

## ИЛМИ ҲАМ, ИЖОДИ ҲАМ ИБРАТ ОЛИМА

Қурамбоева Гуландом Каримбоевна

*Тошкент Педиатрия тиббиёт институти*

Адабиёт оламида шундай олимлар бўладики, улар ҳам бадиий, ҳам илмий-ижодий фаолият билан баравар шуғулланади. Ҳар икки соҳада ютуққа эришиб, элнинг эътиборини қозонади. Таниқли адабиётшунос олима, ёзувчи, филология фанлари доктори, профессор Саригул Баҳодирова мана шундай фаол, кўп қиррали ижодкор тадқиқотчилардан бири.

Мен Саригул Баҳодирова билан бундан қарийб 20 йил олдин танишганман. 2000 йилнинг бошлари, баҳор ойлари эди. Ҳам шахсий ҳаётимда, ҳам илмий-педагогик фаолиятимдаги илк устозим, отам – филология фанлари доктори, профессор Каримбой Қурамбоев (жойлари жаннатдан бўлсин) мени Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Нажим Давқораев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институти биносига бошлаб борди. Илгари Саригул Баҳодированинг мақолаларини газета-журналларда кўп ўқиганману, лекин ўзини кўрмаган эдим. Салобатли, мушоҳадали, босиқ, юзидан нур ёғилиб турган бу аёлни кўрганимда қалбимда бир илиқлик пайдо бўлган.

– Саригул, бу менинг кенжа қизим, унисизга шогирдликка бермоқчиман, у ҳам сизга ўхшаб, олима бўлмоқчи, - деди отам. Шунда С.Баҳодирова: – Жуда яхши иш бўлибди-да. Каримбой, ҳа сенинг бой шахсий кутубхонангдан келажакда ким фойдаланади, агар қизинг йўлингдан кетмаса? - деб мийиғида қулиб қўйгани кечагидек ёдимда.

Саригул опа менга юзланиб, қизиқишларимни суриштиргач: – Адабий алоқалар мавзуси энг долзарб, айниқса, ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқаларида Миртемир ижодининг ўрни ҳали қорақалпоқ адабиётида ҳам, ўзбек адабиётида ҳам тўлиқ тадқиқ қилинмади, шуни мавзу қилиб олсанг бўлади, - деди ва илмий раҳбарликка розилик хати ёзиб берди. Бу хат мен учун гўё илм майдонига киришимга оқ йўл тилаган мактуб эди. Кейин тадқиқотим юзасидан илмий раҳбарим олдига тез-тез бориб, у кишининг қимматли маслаҳатларини олганман. 2005 йили С.Баҳодированинг илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациямни ҳимоя қилдим. Агар устозинг бургут бўлса, тоғларга, булбул бўлса, боғларга етаклайди, деганлари бежиз эмас экан. Саригул Баҳодированинг мени илм оламига олиб кириши ҳаётда ўз ўрнимни топишимга, илмий фаолиятимда озми-кўпми ютуқларга эришишимга сабаб бўлган.

Саригул Баҳодирова Қораўзак туманида ишчи оиласида дунёга келган. Ўрта мактабни тугатгач, адабиётга бўлган ҳавас уни Қорақалпоқ давлат педагогика институтига етаклайди. Нуфузли илм даргоҳининг тарих-филология факультетида ўқиб юрган йилларидаёқ ўзининг билимга чанқоқлиги, ўткир

зеҳни билан тенгдошларидан ажралиб турган. 1966 йили ушбу олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатиб, илм йўлидаги илк қадамларини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Н.Давқараев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институтидан бошлайди.

Талабалик йилларидан бошлаб ўз қаламини илмда синаб кўрган ёш тадқиқотчи илк бор қорақалпоқ мумтоз шоири Бердақ асарларига мурожаат қилади. Кейинчалик кетма-кет республика матбуотида чоп этилган мақолалари, насрда эълон қилган ижод намуналари уни илмий-адабий жамоатчиликка яқиндан танитди.

Саригул Баҳодирова илмий фаолиятини замонавий қорақалпоқ ҳикояларини ўрганишдан бошлади, номзодлик диссертациясига шу мавзунини танлаган. Олимнинг адабиётшуносликдаги омади шундаки, у йирик адабиётшунос, академик М.К.Нурмухаммедов илмий раҳбарлигида 1970 йили “Замонавий қорақалпоқ ҳикоялари” номли номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

С.Баҳодирова фикр доираси кенг, илмий тафаккури теран, кўп қиррали олима. Унинг қорақалпоқ фольклоршунослиги юзасидан олиб борган илмий ишлари, эълон қилган мақолалари, унинг адабиётшуносликнинг бу соҳасидаги кенг имкониятидан, илмий салоҳияти мукамаллигидан далолат беради. У ёзувчи сифатида бир қанча роман, қисса, повесть ва ҳикоялар туркумининг муаллифи, 400 дан ортиқ илмий мақолалари ва бир неча рисоалари чоп этилган олима.

Ўзининг бой тарихий мероси, маданияти, миллий ўзига хосликларини кўз қорачиғидек асраб қолган қорақалпоқ халқининг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасини илмий жиҳатдан далиллашни мақсад қилган олима халқ оғзаки ижоди ва қорақалпоқ насрини докторлик диссертациясига таҳлил объекти қилиб танлайди. Салкам йигирма йиллик илмий тадқиқоти самараси ўлароқ 1987 йили изланишларини яқунлаб, шу мавзуда докторлик диссертациясини таниқли тюрколог олим, профессор З.С.Кедринанинг раҳбарлигида ҳимоя қилади. Тадқиқот машхур олимлар Г.И.Ломидзе, З.Г.Османова, З.С.Кедрина, А.И.Алиева, Р.Ю.Осуповлар томонидан қорақалпоқ фольклоршунослигига қўшилган муносиб ҳисса тарзида эътироф этилади.

С.Баҳодированинг ташаббускорлик, ташкилотчилик фаолияти ҳам барчага ўрнак. Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналари “Қирқ қиз” ва “Едиге” дostonларини дунёга кенг тарғиб қилиш мақсадида олима биринчилардан бўлиб халқаро илмий конференциялар ўтказиш ташаббуси билан чиққан. Ҳар иккала дostonнинг Германия, Япония, Туркия, Кипр, Озарбайжон, Қирғизистон ва Қозоғистон каби давлатларда ҳам оммалаштиришга камарбаста бўлган.

Айниқса унинг “Қорақалпоқ фольклорининг 100 жилдлиги”ни нашрга тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилгани таҳсинга сазовор.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини авлоддан авлодга етказишда бахши-жировларнинг ўрни алоҳида. Уларнинг ижро маҳоратини илм даражасига кўтаришни ният қилган олима қорақалпоқ жировлари, уларнинг мусиқаси бўйича кўплаб халқаро конференция ва симпозиумларда маърузалар қилган. Унут бўлиб кетаётган қорақалпоқ жировларининг 151 та куйини аниқлаган. Бу ҳам мақола қаҳрамонининг қорақалпоқ бахшичилиқ санъати ривожига қўшган бекиёс ҳиссасидан далолат.

Саригул Баҳодирова жаҳонгашта олима. У Уфа, Элиста, Анқара, Кунья, Измир ва бошқа шаҳарлардада ўтказилган илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этган. Халқаро минбарларда қорақалпоқ халқининг бой тарихий ўтмиши, халқ оғзаки ижоди ва замонавий адабиёти юзасидан, қорақалпоқ адабиётшунослиги ютуқлари ҳақида маърузалар ўқиди. Бир қанча мақолалари чет эл журналларида босилган. У нафақат олима, балки қорақалпоқ насрида ўз овози ва ўз қаламига эга танилган ва тан олинган ёзувчи ҳамдир. XX асрнинг 70 йилларида қорақалпоқ адабиётига насрий асарлари билан кириб келган ёзувчи “Онамга хат”, “Оғайин”, “Аёллар”, “Одамни одам бахтли қилади”, “Инсон тақдири”, “Умр сабоғи”, “Тақдир”, Кечиккан солдат”, “Урушдан сўнг”, “Тўмарис ва Кир”, “Шунқор эди қанотидан қайрилди” каби роман, повесть ва ҳикоялари билан кенг жамоатчиликка танилди.

С.Баҳодированинг “Қорақалпоқ қандай халқ” номли асари билан танишган китобхон қорақалпоқ халқининг келиб чиқиш тарихи, фольклори, урф-одатлари, ўлмас кадриятлари, жиров-бахшилари ва қўбизлари ҳақидаги бой маълумотлардан воқиф бўлади. Айниқса китобга киритилган “Халқим менинг қувватим” номли илмий-публицистик очеркда муаллиф қорақалпоқ халқини *“ёлгон гапиришни билмайдиган, тўғри сўздан қайтмайдиган, дўстини сотмайдиган, беозор, тинчликсевар, биродарини бошига кўтариб қадрлайдиган, охирги бир тўғрам нонини фарзандларига бермасдан сенга берадиган, оккўнгил, юраги тоза, нияти холис, дўстига фақатгина яхшилик тилловчи халқ”*, дея фахр ва ифтихор билан эътироф этади. Қорақалпоқ халқини яқиндан билган инсон бу таърифларда заррача бўрттириш ёки ёлгон йўқлигига амин бўлади. *“Агар қорақалпоқ билан қўшни бўлсанг, у ўз фарзандига қарамаса ҳам, сенинг фарзандингга гамхўр бўлади”*. Кўринадики, С.Баҳодирова қорақалпоқ миллатига хос самимийлик, соддадиллик, қўшнисининг тўй-маъракасани худди ўзининг тўй-маъракасидек ўтказиш, бу миллатнинг ҳеч бир китобда ёзилмаган ота-боболардан мерос бўлиб келаётган қорақалпоқ уруғлари ҳақидаги қонун қоидалари, уруғлар ўртасидаги муносабатлар, қиз узатиш маросимларини нозик кузатиб, теран мушоҳада қилган.

Муаллиф учун дунёда ягона гўзал маскан, ажойиб бир диёр бор. Бу – унинг Ватани Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон:

*Киндик қоним томган она Ватаним,  
Сендан ортиқ бойлик керакми менга?*

“Ватанимнинг олтин тупроғига оёғим тегса, мenden кучли инсон йўқ, халқим турган жойда дунёдаги энг кучли инсонга айланаман”, - дейди ёзувчи. Ўзи мансуб миллатга хос хислатлар ва она юртини бундан ортиқ яна қандай таърифлаш мумкин?! Ўзи туғилиб ўсган замин ва халқини кўз қорачиғидек асрашни фарзандлик бурчи деб билган С.Баҳодирова “Қорақалпоқ қандай халқ” китоби билан келажак авлодга жуда катта мерос қолдирган.

Китобда шунингдек “Айқулаш”, “Тўққиз кумалок”, “Оқсуяк” каби қорақалпоқ халқ ўйинлари, бахши-жировларнинг ижро маҳорати, наво куйларию кўбизларнинг таърифига бериш берилган.

Ҳикоя ва новелла жанрларининг ўзига хослиги, ёзувчи маҳорати, қорақалпоқ романларида аёллар образи масаласи С.Баҳодировани кўпроқ қизиқтирди. Айниқса, унинг “Онамга хат” ҳикоясида турмуш ўртоғи ноҳақ айблов туфайли қамалиб, фарзанд тарбияси билан ёлғиз ўзи шуғулланган онанинг жасорати тасвирланган бўлса, “Урушдан сўнг” повестида ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этишни мақсад қилган фарзандларнинг онага мурожаати ҳаққоний ёритилган. Уруш туфайли эркаклар зиммасидаги барча машаққатли меҳнатлар, пахта терими бўладими, деҳқончилик, чорвачилик дейсизми, бари аёллар гарданига тушгани, ҳомиладор аёлларнинг пахта далаларида кўзи ёриши, қишлоқда эркак зоти қолмаганлиги туфайли туғилишининг ҳам йўқлиги, бир сўз билан айтганда, ўша даврнинг мудҳиш ҳаёт тарзи қаламга олинган. Жангга отланган турмуш ўртоғи ва фарзандининг оиласи бағрига соғ-саломат қайтишини интизор кутган ва бунинг учун барча нарсага тайёр мард, танги, матонатли аёл образи китобхонни бугунги доруломон кунларнинг қадрига етишга ундайди. С.Баҳодирова насрий асарларида қай мавзунини қаламга олмасин, китобхоннинг эстетик дидига таъсир қила оладиган, уни мушоҳада қилишга чорлайдиган қалам соҳибаси.

Мамлакатимиз илм-фани тараққиётида ҳам олиманинг муносиб ҳиссаси бор. Унинг илмий раҳбарлигида бир неча диссертациялар ҳимоя қилинган. Айни дамда олима Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Нажим Давқораев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходимликдан институт директори лавозимига бўлган меҳнат фаолияти С.Баҳодированинг қанчалик серғайрат, ўз устида тинимсиз ишлайдиган,

касбига садоқатли, устозлик мақомига содиқлигидан далолат беради. Бугун ўзининг табаррук 80 ёшини қарши олаётган устоз олима, филология фанлари доктори, профессор Саригул Баҳодировага мустаҳкам соғлик-саломатлик, илмий фаолиятида муваффақиятлар ва оилавий хотиржамлик тилаймиз.